



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
буюк  
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz •

2023 йил 14 январь, № 9 (8352)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ТАРИХ ВА КЕЛАЖАК АВЛОДЛАР ОЛДИДАГИ МУҚАДДАС БУРЧ

Мудофаани бошқариш миллий марказида 13 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.



Унда Хавфсизлик кенгаши аъзолари, Қуролли Кучларимизнинг қўмондонлик таркиби, ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Кайд этилганидек, ўтган йили ҳам Қуролли Кучларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, қўшинларнинг жанговар шайлиги ва руҳий тайёргарлигини ошириш, бўлинмаларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техни-

калар билан таъминлаш давом эттирилди. Барча куч тузилмаларининг ўзаро ҳамкорликдаги ахборот-коммуникация тизимлари Қуролли Кучларни бошқариш жараёнларига изчил интеграция қилинмоқда. Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллашти-

риш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоратadbирлар мунтазам амалга оширилмоқда. Қуролли Кучлар бошқарув органлари ва қўшинларни биргалликда тайёрлаш тизимига хорижий армияларнинг ижобий тажрибалари жорий этил-



## ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 январдаги Фармонида мувофиқ, мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бир гуруҳ ходимлари ҳарбий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.



13 январь куни Президент Администрациясида ушбу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев барча ҳарбий хизматчиларни ва соҳа фахрийларини мазкур шонли сана билан табриклади.

Мамлакатнинг ҳарбий салоҳияти замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан бирга, ботиқ аскар ва офицерлар билан, уларнинг жисмоний ва маънавий тайёргарлиги билан белгиланади. Шу маънода, миллий армиянинг чинакам қудрати бу, аввало, сизлар — ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек муқаддас ишга бағишлаган жонкуяр ва фидойи инсонлардир, — деди Шавкат Мирзиёев.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 31 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!  
Қуролли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!  
Кадрли юртдошлар!  
Сизларни, сизлар орқали кўп миллатли бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қувончли айёмда ўз ҳаётини она юрт ҳимоясидек улғу ишга бағишлаган сиз, азизларга ўзининг юксак ҳурмат ва эҳтиромини билдираман.

Ушбу стратегия асосида Қуролли Кучларнинг тезкор бошқарувини амалга ошириш, миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳини ошириш бўйича аниқ чоратadbирларни кўзда тутадиган қарорлар қабул қилдик.

Ушбу мақсадда ҳарбий қисмларда шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигини, билим ва малакаси, дунёқарашини юксалтириш, уларнинг касбий ва маданий қизиқишларини қўллаб-қувватлаш масалаларига муҳим аҳамият берилди.

Ҳарбий хизматчилар ва соҳа фахрийларини, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, моддий ва тиббий таъминотини яхшилаш, ҳудудларимизда ҳарбийлар учун узоқ муддатли, имтиёзли кредитлар асосида кўп қаватли уй-жойлар барпо этиш бундан буён ҳам олдимиздаги муҳим ва устувор йўналишлардан бири бўлиб қолади.

Бундан ташқари, қуйи поғоналардаги

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти,  
Қуролли Кучлар  
Олий Бош Қўмондони

# ТАРИХ ВА КЕЛАЖАК АВЛОДЛАР ОЛДИДАГИ МУҚАДДАС БУРЧ

“Халқ ва армия — бир тану бир жондир” деган эзгу тамойил ўз наижасини берди. Ҳарбий-маъмурий секторлар фаолияти самарасида ҳарбий шаҳарчалар инфратузилмаси тўлиқ янгиланди, янги ўқув полигонлари барпо этилди.

Ватан ҳимоячиларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси ҳам мустаҳкамланди. Ўтган йили 3 мингдан ортиқ оилалар уй-жой билан таъминланди. Ҳарбий аёллар меҳнати рағбатлантириш мақсадида “Тўмарис” нишонини таъсис этилди. Ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари олий таълим муассасаларига имтиёзли асосда ўқишга кирди, рафикалари ва ҳарбий пенсионерлар иш билан таъминланди.

Йилгиликда соҳадаги долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Хозирги шиддатли геосийосий қарама-қаршилиқлар шариоитида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ахборот хавфсизлиги ва бошқа соҳаларда кескин муаммолар пайдо бўлмоқда. Мураккаб ҳалқаро вазият, хавфсизликка нисбатан хавф-атар ва таҳдидларнинг кучайиши Марказий Осиёда ҳам қузатилмоқда.

— Энг катта бойлигимиз бўлган тинч ҳаётини асраш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, келажак режаларимизни белгилашда ана шу ҳолатларнинг барчасини инобатга олишимиз зарур, — деди Шавкат Мирзиёев. — Биз ҳар қандай вазиятда ҳам Ўзбекистоннинг давлат суверенитети, унинг сарҳадлари дахлсизлиги ва худудий айланилиш таъминлашимиз шарт. Бу бизнинг тарих ва келажак авлодлар олдидаги муқаддас бурчимиз ва мажбуриятимиздир.

Шулардан келиб чиқиб, навбатдаги устувор вазифалар белгиланди.

Аввало, Қуролли Кучларни рақамлаштириши

ришни жадаллаштириш, соҳадаги вазирлик ва идораларнинг барча ахборот ресурсларини ягона хавфсиз ахборот майдонига бириктириш зарурлиги таъкидланди. Мудофая бошқариш миллий маркази бу тизимнинг ўзига бўлади.

Ҳарбий таълим дастурларини илғор тажриба асосида янгилаш, педагоглар малакасини ошириш, Ҳарбий инженерлар мактабини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мамлакатимизнинг сафарбарлик соҳасидага тайёргарлиги ва худудий мудофасини ташкил этиш тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш вазифаси қўйилди. Қўмондонлик таркибининг қўшинларни бошқариш ва воситаларини қўллаш бўйича малакасини ошириши зарурлиги қайд этилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий ва жанговар тайёргарлигини кучайтириш, ёшларда ватанпарварлик туйғусини юксалтириш бўйича тасвиалар берилди.

— Бизга бу кунчи четдан излашнинг ҳожаги йўқ. Шонли тарихимиз, бой илмий ва маданий меросимиз, баҳодир аجدодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти биз учун чинакам ибрат мактаби, — деди давлатимиз раҳбари.

Дунёда рўй бераётган гибрид характердаги қуролли тўқнашулар таҳлили Қуролли Кучларимиз жанговар қобилиятини оширишни такозо этмоқда. Шу боис миллий армияни замонавий техникалар билан таъминлаш, жумладан, ҳарбий авиация ва ҳavo ҳужумчи дунё мудофая тизимини ривожлантириш долзарблиги таъкидланди.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига эътибор қаратилди. Улар учун ипотека асосида кўп қаватли уйлар қуриш, ҳарбий

хизматчиларнинг пенсия таъминотини тартибга солиш, ҳарбий тиббиёт муассасалари шариоитларини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди.

Йилгиликда Хавфсизлик кенгаши аъзолари, ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарлари сўзга чиқди. Мамлакатимиз мудофая қобилиятини янада мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Сўзининг якунида Президент барча ҳарбийларни, бутун халқимизни Ўзбекистон Республикасидаги Қуролли Кучларни ташкил этишнинг 31 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кун билан таъбриқлади.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Мудофая вазирлигининг Марказий ҳарбий клиника госпиталини бориб кўрди.

Йилги раҳбар шифохонанинг бинолари ҳам, иш усуллари ҳам эски эди. Давлатимиз раҳбари 2018 йилда бу ерга келиб, уни реконструкция қилиш ва замонавий жиҳозлаш бўйича топшириқлар берганди. Шу асосида катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Тиббий ускуна ва жиҳозлар янгиланди. Бошқарувда клиника менежмент жорий этилди.

Госпиталь ҳам 700 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, соҳа фахрийлари бепул даволанади. Шунингдек, бошқа беморларга ҳам пуллик хизмат кўрсатилади.

Бундан ташқари 286 хл диагностика текшируви, 600 дан ортиқ амалиётлар йўлга қўйилган, 30 га яқин ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилган.

Хусусан, жарроҳлик бўлимлари учун 8 қаватли янги бина барпо этилган. Давлатимиз раҳбари ундаги шариоитлар билан танишди. Бундай шифохоналарни худудларда ҳам ташкил этиш зарурлиги

таъкидланди. Ҳарбийлардан ташқари спортчилар ва аёлларни даволаш бўйича тасвиалар берилди.

Таълим билан амалиёт боғлиқлиги ҳам самарали йўлга қўйилган. Илгари бундай мутахассислар Тошкент тиббиёт академиясининг Ҳарбий тиббиёт факультетида тайёрланар эди. Президентимизнинг 2020 йил 22 октябрдаги “Ҳарбий тиббиёт соҳасида кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мазкур факультет негизида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси тuzилди.

Аҳамиятlisi, ушбу таълим маскани Марказий ҳарбий клиника госпитали ёнида қурилди. Президент бу ердаги шариоитларни ҳам кўздан кечирди.

Академия 250 нафар талаба ва тинловчига мўлжалланган. Бу ерда бўлажак ҳарбий шифокорлар ўқитиладиган ҳамда тиббиёт ходимлари қайта тайёрланади. Ўқув биносида 2 та факультет, 5 та кафедра, 2 та марказ, институт ва машурият жойлашган. Хоналарда ўқув ва машурият учун барча шариоит яратилган. 186 ўринли ётоқхона ҳам бор.

Давлатимиз раҳбари академиядаги таълимнинг мазмунига алоҳида аҳамият қаратди.

— Бино ва шариоитлар яхши, лекин бу ишнинг бошланғичи. Энди асосийси ҳарбий тиббиётнинг мазмунини, моҳиятини тушуниб, ўқини тўғри йўлга қўйиш керак. Бунинг учун хориж тажрибаси асосида педагогик, илмий ва амалий тизим яратиш зарур. Бу тизим бошқа тиббиёт олий ўқув юрталарига муболиб ва рақобатчи, битирувчилар ўз йўналиши бўйича намуна бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Академияда хорижий бошқарув жорий этиш, илк битирувчиларни Туркия ва Жанубий Корея каби мамлакатларга малака оширишга юбориш бўйича кўрсатмалар берилди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Иқром АВВАЛБЕКОВ, ЎЗА мухбирлари.**

# ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг янги, муносиб авлоди шаклланди. Президентимиз гоёси асосида халқ билан армия бир тану бир жон бўлди. Ҳарбийлик обрў-эътибори касбга, ёшлар орзу қиладиган соҳага айланди.

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда раҳбарияти барпо этишда минг-минглаб фидоий инсонларнинг улкан хизматлари борлигини таъкидлади.

— Барча ислохотларимиз замирида “инсонни кадрлаш” деган олижаноб мақсад мижассам, — деди Президент. — Бу, энг аввало, ҳар бир фуқаронинг оиласини, маҳалласини тинчлигини, юрт осойишталигини таъминлаш дегани. Инсонни кадрлаш учун, биринчи навбатда, осмонимиз мусофабо, сарҳадларимиз дахлсиз, чегараларимиз мустаҳкам бўлиши керак. Бунинг учун ҳар бир инсоннинг ҳар бир қўшини ҳам шундай вазифани шараф билан адо этмоқдасиз.

Маросимда давлатимиз раҳбари ҳарбий унвон тўғрисидаги гувоҳномаларни, орден ва медалларни тантанали равишда топширди. Ватан ҳимоячиларига мустаҳкам соғлиқ, азму шижоат, масъулиятли хизматиде муваффақиятлар тилади.

Бу йилги тантанали тадбир яна бир жиҳати билан эсда қоларли бўлди. Маълумки, Амир Темир бо-

бомиз биронрта жангда енгилмаган, Сохиқбироннинг байроғи ҳамиша баланд хилларга турган. У бугунги авлодлар учун қатъият, ҳарбий маҳорат, гурур ва ифтихор тимсолидир.

Шу боис Президентимиз ташаббуси билан армия тизимида “Амир Темир жанговар байроғи” мукофоти таъсис этилди. Бу борада ўтказилган танловда Марказий ҳарбий округ голиб бўлди.

Маросимда ушбу округ кўмондонига илк бор “Амир Темир жанговар байроғи” тантанали равишда топширилди.

— Бу округ ўтган қисқа даврда ҳарбий хизматчиларни жисмоний ва маънавий тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий қисмларда ўқув-моддий базани мустаҳкамлаш бўйича муҳим натижаларга эришди. Бу икйбий тажриба ҳамда инсоннинг ҳар бир қўшини ҳам шундай вазифани шараф билан адо этмоқдасиз.

Маросимда давлатимиз раҳбари ҳарбий унвон тўғрисидаги гувоҳномаларни, орден ва медалларни тантанали равишда топширди. Ватан ҳимоячиларига мустаҳкам соғлиқ, азму шижоат, масъулиятли хизматиде муваффақиятлар тилади.

Бу йилги тантанали тадбир яна бир жиҳати билан эсда қоларли бўлди. Маълумки, Амир Темир бо-

# ОЗОД ВА ОБОД ЮРТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурган давлат ривожланади, юксалади, тараққий этади. Шу боис ислохотларнинг янги даврида мамлакатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш йўлида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.



Бундан ташқари, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва жанговар қобилиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш мақсадида бугунги кун талабидан келиб чиқиб, ҳарбий-маъмурий округлар тuzилди. Ҳарбий хизматчилар учун замонавий тураржойлар қуриш, мавжуд тураржой фондини таъмирлаш, замонавий ҳарбий шаҳарчаларни қуриш ва реконструкция қилиш борасида кенг қўлламли ишлар амалга оширилди.

# ФРОНТДАН ЮБОРИЛГАН МАКТУБЛАР КИТОБ ҲОЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

Миллий матбуот марказида “Ўзархив” агентлиги томонидан “Аскар мактублари” ва “Ўзбекистон — Туркия алоқалари ҳужжатларда” китоб-альбомлари тақдими тоға бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда “Ўзархив” агентлиги, “Галаба боғи” ёдгорлиги, дипломатик марказлар вақиллари, олимлар, ёзувчилар, офицер ва аскарлар иштирок этди.



## Мардлар қўриқлайди Ватани!

Хусусан, замонавий талабларни, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига ҳос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Қуролли Кучларнинг ташкилий-шағъат тизимини рақамлаштириш, ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий ва жанговар тайёргарлигини кучайтириш, ёшларда ватанпарварлик туйғусини юксалтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ҳарбий таълим дастурларини илғор тажриба асосида янгилаш, педагоглар малакасини ошириш, Ҳарбий инженерлар мактабини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мамлакатимизнинг сафарбарлик соҳасидага тайёргарлиги ва худудий мудофасини ташкил этиш тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш вазифаси қўйилди. Қўмондонлик таркибининг қўшинларни бошқариш ва воситаларини қўллаш бўйича малакасини ошириши зарурлиги қайд этилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий ва жанговар тайёргарлигини кучайтириш, ёшларда ватанпарварлик туйғусини юксалтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

— Бизга бу кунчи четдан излашнинг ҳожаги йўқ. Шонли тарихимиз, бой илмий ва маданий меросимиз, баҳодир аجدодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти биз учун чинакам ибрат мактаби, — деди давлатимиз раҳбари.

Дунёда рўй бераётган гибрид характердаги қуролли тўқнашулар таҳлили Қуролли Кучларимиз жанговар қобилиятини оширишни такозо этмоқда. Шу боис миллий армияни замонавий техникалар билан таъминлаш, жумладан, ҳарбий авиация ва ҳavo ҳужумчи дунё мудофая тизимини ривожлантириш долзарблиги таъкидланди.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига эътибор қаратилди. Улар учун ипотека асосида кўп қаватли уйлар қуриш, ҳарбий

хизматчиларнинг пенсия таъминотини тартибга солиш, ҳарбий тиббиёт муассасалари шариоитларини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди.

Йилгиликда Хавфсизлик кенгаши аъзолари, ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарлари сўзга чиқди. Мамлакатимиз мудофая қобилиятини янада мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Сўзининг якунида Президент барча ҳарбийларни, бутун халқимизни Ўзбекистон Республикасидаги Қуролли Кучларни ташкил этишнинг 31 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кун билан таъбриқлади.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Мудофая вазирлигининг Марказий ҳарбий клиника госпиталини бориб кўрди.

Йилги раҳбар шифохонанинг бинолари ҳам, иш усуллари ҳам эски эди. Давлатимиз раҳбари 2018 йилда бу ерга келиб, уни реконструкция қилиш ва замонавий жиҳозлаш бўйича топшириқлар берганди. Шу асосида катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Тиббий ускуна ва жиҳозлар янгиланди. Бошқарувда клиника менежмент жорий этилди.

Госпиталь ҳам 700 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, соҳа фахрийлари бепул даволанади. Шунингдек, бошқа беморларга ҳам пуллик хизмат кўрсатилади.

Бундан ташқари 286 хл диагностика текшируви, 600 дан ортиқ амалиётлар йўлга қўйилган, 30 га яқин ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилган.

Хусусан, жарроҳлик бўлимлари учун 8 қаватли янги бина барпо этилган. Давлатимиз раҳбари ундаги шариоитлар билан танишди. Бундай шифохоналарни худудларда ҳам ташкил этиш зарурлиги

нинг оила аъзоларининг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида фаолият олиб бормоқда.

Мудофая соҳасининг такомиллаштирилиши, ушбу соҳага берилган эътибор натижасида Ўзбекистон ёшлари Қуролли Кучлар сафини дахлсиз қилиши нафақат фуқаролик бурчи сифатида, айна чогда энг юксак мақомдаги мутахассислик сифатида қабул қилмоқда.

Кейинги пайларда Қуролли Кучларга муддатли ҳарбий хизматта ча қириш тинлов асосида ўтказилаётгани бунинг яққол далилидир. Армия сафларига хизматга келган ёшларимиз бу ерда фақат ҳарбий мутахассислиқни эгаллаш билан чекланаётгани йўқ. Ҳам жисмонан, ҳам маънан чиниқиб, қатъий иродага ва ҳаётий позицияга эга бўлмоқда.

Мамлакатда амалга оширилайётган туб ислохотлар натижасида армияимизнинг халқимиз билан бирлиги таъминланган, замонавий ихчам ва ҳаракатчан, яхши тайёрланган, мамлакатимиз хавфсизлиги, худудий айланилиш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича тактик ва стратегик вазифаларини самарали ҳал қилишга қодир миллий армияимиз шаклланди.

Соҳадаги улкан ўзгаришларнинг икйбий натижаси сифатида Ўзбекистон ҳарбийларининг “Халқаро армия ўйчилари”, “Кембрия патрули” (Буюк Британия), “Энг яхши жанчи” (АҚШ) халқаро ҳарбий мусобақа ва танловларда голиб бўлганини эътироф этиш жоиз.

Умуман олганда, Қуролли Кучлар соҳасидаги изчил ислохотлар Ўзбекистон армиясининг жанговар қудратининг қарийб 2 баробардан зиёд ошишига замин яратди. Бугун халқимиз Ватанга садоқатли, профессионал тайёргарликка эга бўлган, мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва худудий айланилиш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, фуқароларимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган ўз миллий армияси билан фахрланди.

**Тўлқин КАРИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.**

## Тақдимот

“Ўзархив” агентлиги директори Улуғбек Юсуповнинг маълумот беришича, агентлик тизимидаги давлат архивларида мамлакатимизнинг турли тарихий даврларига оид ноб ёзувлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, республика миқёсидаги ташкилотлар, муассаса ҳамда корхоналар фаолияти жараёнида вуҷудга келган қўллаб ҳужжатлар каторида Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбекистонликлар томонидан фронтдан юборилган аскар мактублари қарийб саксон йил давомида коллекция сифатида авайлаб сақлаб келинмоқда.

“Аскар мактублари” китоб-альбомидеги хатларда жангчиларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари ҳамда ёру биродарларига йўлланган самийий дил ихорлари ва эзгу тилақлари акс эттирилган. Айни чоғда ўзбек жангчиларининг ғалаба ишончи, жанг майдонларида қўрсатган жасорати ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Китобга ўша даврдаги мактублар, архив фотолари киритилган бўлиб,

улар Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон уруши даври тарихи билан қизиқувчи олимлар, сиёсатшунос, адабиётшунос, файласуф ва бошқа соҳа мутахассислари томонидан олиб борилаётган ишларни тўлдиргани ҳамда ўша давр тарихини ҳаққоний ёритишга хизмат қилади.

“Ўзбекистон — Туркия алоқалари ҳужжатларда” китоб-альбомидеги икки мамлакат архивларидан танлаб олинган 113 та ҳужжат чоп этилган.

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзархив” агентлиги ҳамда Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат архивлари бош бошқармаси ҳамкорлигида тайёрланган ушбу китоб-альбом туркий халқлар давлатлик тарихини ўрганишда муҳим манба бўлади. Шунингдек, бу ҳужжатлар орасида Ўзбекистоннинг муҳим сиймоларидан бири бўлган ва бир муддат Усмонийлар давлатида яшаган Тошкент хонзодаларидан Мухаммад Паҳлавий Афанди ва унинг маъмурияти ҳақида ҳам баъзи ҳужжатлар ўрин олган.

**“Халқ сўзи”.**

Мамлакатларда ҳали ишга солинмаган катта салоҳият мавжудлиги, бу ҳар икки томондан ҳам катта меҳнати талаб қилиши қайд этилди.

Тадбир доирасида Сингапур вақиллари икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш истикболларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. “Яшил энергетика”, инновациялар кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш ва энергия тежамкор технологиялар каби соҳалардаги ҳамкорликка катта қизиқиш билдирилаётгани таъкидланди.

Давра сўхбати иштирокчилари Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳолати ҳамда иқтисодларини атрофлича таҳлил қилишга бариборида, изчил ривожлантириш талаб этилайдиган устувор йўналишларни ҳам белгилаб олди. Икки ва кўп томонлама, жумладан, Марказий Осиё ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган таклифлар билдирилди.

Иштирокчилар Ўзаро фикр алмашишнинг долзарблигини таъкидлар экан, шу каби шаклда яқин алоқаларни давом эттиришга келишиб олди.

Эслатиб ўлш жоизки, С. Ражаратнам номидаги халқаро тадқиқотлар мактаби 2007 йилда очилган бўлиб, у халқаро муносабатлар билан шуғулланидиган дунёнинг етакчи таҳлил марказларидан бири ҳисобланади. RSIS тадқиқотлари мунтазам равишда нуфузли нашрларда, етакчи журналлар ва онлайн платформаларда чоп этилади.

**“Дунё” АА, Сингапур**

# Ўзбекистон — Сингапур: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Сингапурда кеча “Ўзбекистон ва Сингапур: ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари” мавзусида давра сўхбати бўлиб ўтди. Анжуман Марказий Осиё халқаро институтини (МОХИ) ва Сингапурдаги Наньянг технология университетини ҳузуридаги С. Ражаратнам номидаги халқаро тадқиқотлар мактаби (RSIS) ҳамкорлигида ташкил этилди.

**Давра сўхбати**

Унда Сингапур Ташқи ишлар, Савдо ва саноат вазирликлари вақиллари, етакчи таҳлил ва илмий тадқиқот тuzимлари экспертлари катнашди. С. Ражаратнам халқаро тадқиқотлар мактаби, Сингапур Миллий университети, Яқин Шарқ институтини (МЭ), Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё ҳамда халқаро ҳамкорлар бўйича Сингапур ҳамкорлик маркази (SCE), бошқа ташкилот ва муассасалар шулар жумласидандир.

Давра сўхбатидеи Ўзбекистон томонидан МОХИ, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази, Стратегия ва минақалар тадқиқотлар институтини ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги вақиллари иштирок этди.

Ўзбекистон элчиси Қаҳрамон Шоқиров ўзининг кириш сўзида Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини юқори баҳолади.

1997 йилда дипломатия муносабатлари

ларда ҳамкорликнинг муваффақиятли намуналари мавжуд.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўлламли ислохотлар барча йўналишда ўзаро манфаатли Ўзбекистон — Сингапур ҳамкорлигини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шариоитлар яратаятгани ургуланди.

Марказий Осиё халқаро институтини директорининг ўринбосари Ботир Турсунов Сингапур ва Ўзбекистон ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун хали фойдаланилмаган улкан салоҳият мавжудлигини қайд этди.

Ўзбекистон — Сингапур муносабатлари ўсувчанлигининг бугунги суръати икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун қўшимча шарт-шариоитлар яратаятгани айтайтилди.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, давлатимиз томонидан олиб борилаётган минтақавий сиёсатнинг устувори йўналишлари ва муваффақиятлари, мамлакатимиз раҳбарининг Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё ўртасида ўзаро боғлиқликни таъминлаш борасидаги ташаббусларига доир батафсил маълумотлар тақдим этилди.

Анжуманда сўзга чиққан Сингапур экспорт доиралари вақиллари ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини юқори баҳолади.

С. Ражаратнам номидаги халқаро тадқиқотлар мактаби раиси Онг Кенг Йонг Сингапур Ўзбекистонга ҳаётга таътиб этилаётган иқтисодиётнинг очилгани ва шаф-фоллигини оширишга қаратилган кенг қўлламли ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёни самарасида ўзаро муносабатларни ривожлантириш учун қулай шариоитлар яратилгани алоҳида қайд этилди.

У олий ва юқори даражадада ўтказиб келинаётган мунтазам учрашувлар, шунингдек, вазирлик ва идоралар ўртасидаги ришталар икки давлат ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама чуқурлаштириш ва кенгайтиришга, Марказий Осиё ва Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилаётгани билдирди.

Сингапур ва Ўзбекистон Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё минтақалари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиладиган катта имкониятларга эга эканига эътибор қаратилди.

Ўз навбатида, Сингапур Савдо ва саноат вазирлигининг Ривожлантириш бўлими директорини директорини Дениз Перейра Карри-Энн Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги муҳим ўрни ҳамда ролини эътироф этди.

Мамлакатнинг очиллиги, амалга оши-

рилаётган таъби-иқтисодий ислохотлар икки давлат шариоитлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга икйбий таъбир қўрсатаётгани, ўзаро ишончини мустаҳкамлаш ва манфаатли алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Унинг айтишича, сўнгги йилларда Сингапур Ўзбекистонга 350 миллион доллардан ортиқ сармаю киритган. Бу глобал миқёсда катта микдор эмас. Лекин энг муҳими, бу микдор Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ислохотлари тўғрисида йилдаги давлат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган катта имкониятларга эга эканига эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, Сингапур логистика ва рақамлаштириш соҳаларида ҳам етакчи ҳамкорга айланиши мумкин. Бу соҳаларга етакчи хусусий сектор вақилларини жалб этиш учун катта имкониятлар мавжуд.

Худди шундай фикрини С. Ражаратнам номидаги халқаро тадқиқотлар мактаби катта илмий ходими Рафаэлло Пантуччи ҳам билдирди. У Ўзбекистон Жануби-Шарқий Осиёдаги Сингапур каби бутун Марказий Осиёнинг ҳаракатлантирувчи қучи эканини таъкидлади.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ — ТИՆЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

Юртимизда Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланмоқда. Ушбу байрам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлигининг биринчи ўринбосари — Куролли Кучлар Бош штаби бошлиғи, генерал-майор Шўхрат ХОЛМУҲАМЕДОВнинг мамлакатда хавфсизлик, тинчлик-осойишталикни таъминлашда ҳар қандай тактик ва стратегик вазифаларни ҳал қилишга қодир миллий армиямиз эришяётган ютуқлар, Куролли Кучларимизда ўтказилаётган ислохотлар, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси, ёш авлодди ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган эътибор ҳақида фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

## — Шўхрат Файратжонович, мамлакатимиз Куролли Кучлари мўҳим сани қандай натижалар билан кўтиб олди?

— 14 январь — Куролли Кучларимиз ташкил топган сани, халқимиз 31 йилдириқ, умумхалқ байрами, миллий қадриятларимиз тантанаси сифатида кенг нишонланмоқда. Истиклолнинг мўҳим шартларидан, давлатчиликнинг асосларидан бири бўлган армиямиз ўтган йиллар давомида халқимизнинг хоҳиш-иродасини, озорларини рўйбга чиқариб, Ўзбекистон суверенитети, элимиз тинч-осуда ҳаётининг ишончли ҳимоячисига айланди.

Ўзбекистон тараққийётнинг янги даврига дадил қадам қўйган бир вақтда миллий армиямиз ҳам Ҳамомхан юксалиб бормоқда. Тарихга айланган 2022 йил Мудофаа вазирлиғи қўшинлари учун ҳам ривожланиш, бой тажрибаларни тўплаш ва амалиётга киритиш, жанговар шайлик ҳамда тайёргарлик дастурларини қайтадан кўриб чиқиш, барча йўналишдаги таъминотни мустаҳкамлаш, ҳарбий-ватанпарварликни кенг тарғиб қилиш йили бўлди. Бу борада ҳарбий хизматчилар, фахрийлар, кенг жамоатчиликнинг турли қийинчиликларга қарамасдан фойдиларча хизмати алоҳида айтаётганимиз керак. Зеро, Президентимиз, Куролли Кучлар Олий Беш Қўмондони Шавкат Мирзиёев парламентга ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, тараққийёт фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан бундан бир йил муқаддам Куролли Кучлар Бош штаби фаолиятини сифат жиҳатдан янги поғонага олиб чиқиш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техника билан бўғлаш, мавжудларини модернизациялаш, аҳборот хавфсизлигини таъминлаш, ёшларни ёт ёғлардан ҳимоя этиш, ҳарбий хизматчиларнинг психологик тайёргарлиғи ва жанговар руҳини мустаҳкамлаш юзасидан қатор вазифалар қўйилган. Ушбу мўҳим вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2022 — 2026 йилларда Куролли Кучларни янада ривожлантириш бўйича концептуал дастур ишлаб чиқилди ва у асосда амалий ишлар олиб бориюмоқда.

Утган йилларга таққослаганда ҳарбий хизматчининг ўқув-مائشгул меъёри, жанговар ва махсус тайёргарлик машгулотлари интенсияси, қўшинлар тайёргарлик даражаси бир неча баробар ошди. Олиб бориюм ишлар ва ислохотлар самарасини юрт ҳимоячилари халқро майдонларда ўқазилган ўйинлар ҳамда мусобақаларда яққол намойиш этилди.

Мудофаа вазирлиғи тизимида ҳарбий илм-фанни ривожлантириш йўналишидаги изчил саъй-ҳаракатлар натижаида 150 нафарга яқин ҳарбий хизматчилар илмий даража ва илмий унвонга эга бўлди. Ҳарбий илм-фаннынг раванқи буюқ аждодларимизнинг бой ҳарбий меросини чуқур ўрганиш, миллий ҳарбий санъат бўйича фундаментал тадқиқотлар қилиш, соҳадаги хавф ва таҳдидларни тизимли ўрганишни мўҳим омиллиди.

— Ватан ҳимояси ҳақида сўз кетганда, буюқ саркарда Амир Темир Бобомиз ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Амир Темир — буюқ ҳарбий саркарда, стратег, илм-фан, маданият ҳомийси, иккинчи Ренессанс асосчиси. Соҳибқироннинг жанлардаги ғалабалари, чуқур ўйланган стратегия ва тактикалари эса мўлақоқ ноёб. Уларни ўрганиш бугун қанчалик самарали?

— Соҳибқирон Амир Темир дунёда бошқарувнинг барча соҳаси, хусусан, ҳарбий санъатни юқори поғонага кўтарган, уни стратегия ва тактика билан бойитган, оз сонли қўшин билан кўп сонли қўшинни енгиш амалиёти бўйича дунёда машҳур саркардидир. У бошқа соҳалар каби ҳар бир илмида ҳам тугма истеъдод соҳибид бўлиб, минглаб жаҳонғирлар бажара олган ишларни юксак салоҳияти билан амалга оширганди. Ер юзюнда Амир Темирга ўхшаган саркарда сўз давргача тўғилмаган. Бунга "Темир тўзуқлари"ни ўқиб, яна бир бор амин бўламиз. Узга мамлакатларни забт этиш, уларни идора қилиш, ғаним лашкарларини синдириш, душманни тўзқоқа тушириш, муҳолифларни (қўнғини овлаб) дўста айлантириш, дўст-душман орасида муомала, мурсоа мадора қилиш жараёнида у доимо устозларининг ўғитлариға, машварат маслаҳатларига таянган. Чунки ўз даврининг энг кучли алломалари, доно ва фозил кишилари, маҳоратли ҳарбий қўмондонлар давлат бошқариш ва ҳарбий ишларда катта тажрибаларга эга бўлган. Шу боис Амир Темир уларнинг энг машҳур ва кучлиларини доим ёнида сақлаган, биригилда очик ва ёпиқ кенгашлар ўтказган, уларнинг фикр-мулоҳазаси ва кенгашларини жон қўлоби билан тинглаган, ҳар бир ишни битиришдан олдин турли қарашлар ва маслаҳатларни таҳлил қилиб, ўзи оқилона қарор чиқарган.

Амир Темир зарур ҳолатларда ҳам шошилмаган, совуққон ва сабр-тоқатли бўлган. Уша даврда Мовароуннаҳр халқи мўғуллар илканжасида қолган ва ҳўрланаётган эди. Бунинг устига мамлакатда ички муҳит ҳам таңг бўлиб, турли қарама-қарши гуруҳлар ва ҳокимлар бир-бири билан урушлар олиб бораётганди. Уларнинг ақриятти эндианча майдонга кириб келаётган Амир Темирга очик ва ҳўфнана ёмонликлар қила бошлаганди. Мантиқан қаралганда, агар Соҳибқирон уларнинг ҳар бириға қарши жанг майдонига чиқаврганда аллақачон бирор тинчинг остида қолиб кетиши мўкин эди. У ўз хўшрелигини йўқотмаган ҳолда арқонни узун ташлаш сиёсатини юриртган. Қатъийлик, хўшрелик, эҳтиёткорлик, шижоат ва

сабр-чидам билан барча ишни изчил амалга ошириб борган. Амир Темирнинг ҳаётини ҳарбий тажрибаси бугун ҳам наинқи офицерларға, балки ҳар бир инсонға, ёшларға ибрат ва намуна бўлмоғи керак. Чунки салоҳиятини тинимсиз бойитган, ўзига нисбатан қаттиққўл ва талабчан шахсларғина ҳаётда ёрқин из қолдирган ва уларнинг номи асрлар давомида яшаб келмоқда. Дангасалик, ишни пайсалға солиш, ваъдаға вафо қилмаслик, ёлғончилик, зулм, адолатсизлик ва бошқа қўллаб қиллатлар Амир Темирге бегона эди. Инсон ҳаётининг тубан ёки шарфли бўлишда ўзининг хатти-ҳаракатлари асосий роль ўйнашини тарих Амир Темир тисолида исботламоқда. У ўз кучи, файрати, иктидори билан Мовароуннаҳрни бирлаштирган, Еврооисидаги ягона салтанатға айлантрган, мамлакатда қўнлийлик ва адолат ўрнатган.

## — Мурожаатномада миллий хавфсизлик ва Куролли Кучларнинг жанговар салоҳиятини таъминлаш ҳақида гапирилди. Ушбу мўҳим вазифаларни бажаришда қандай чора-тадбирлар амалга оширилади?

— Давлатнинг миллий хавфсизлиги ижтимоий ҳаётнинг барча жаҳасида, жумладан, ҳарбий соҳада ағона давлат сиёсатини юриртиш билан таъминланади. Бунда Мудофаа вазирлиғи қўшинлари мўҳим ўрин тутади.

Президентимизнинг бевосита эътибори ва ташаббуси туфайли нисбатан қиска тарихий даврда қуролларнинг янги намуналари ва ҳарбий техника билан жиҳозланган қўшинларнинг қайта ташкили амалга оширилди, уларнинг оператив ва жанговар тайёргарлик даражаси юксалтирилди. Куролли Кучларнинг турли бўлинмаларни ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик мустаҳкамланди, энг замонавий талабаларға жаваб берадиган ҳарбий шахарчалар ва полигонлар инфра-тузилмаси барпо этилди.

Қўрилган чоралар натижасида миллий армиямизнинг жанговар шайлиғи ва қўбйлиғи сезиларли даражада ўсиб. Бугун ишон билан айта мўкин, Куролли Кучларимиз давлатимиз суверенитети ва ҳудудий ялпытилгини, тинч ҳаётни ва хавфсизлигини ҳимоя қилишға қодир кўнча эга.

Минтақадаги мураккаб ҳарбий-сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, Куролли Кучларнинг жанговар салоҳиятини янада оширишға қаратилган ишлар давом эттирилди. Алоҳида йўналишларда қўшинларнинг жанговар таркибини мустаҳкамлаш, турли идораларға мансуб қўшинлар ва ҳарбий бўлинмаларнинг ўзаро ҳамкорлиғи ва қўшма тайёргарлиғи самарадорлигини яхшилаш, илғор хорижий тажрибани жорий этиш ва бошқа қўллаб тадбирларни амалға оширишни режалаштирганмиз. Куролли Кучлар жанговар салоҳиятини янада мустаҳкамлашни Ватанимизни ишончли ҳимоя қилиш имконини беради.

## — Мудофаа вазирлиғи доимий тарзда қўллаб мамлакатларнинг ҳарбий идоралари билан шерикликни кенгайтириб келмоқда. Қадрларни тайёрлаш, тажриба алмашиш, қўшма қўшинлар ўқувини ўтказиш, ҳарбий соҳада илмий ишлар қилиш борасидаги ҳамкорлик натижаларини ҳақида нималар дея оласиз?

— Ҳарбий соҳада турли хорижий давлатлар билан ҳамкорлик фаол ривожланяпти, асосий эътибор қўшинларимизға — Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистонға қаратилган.

2022 йилда хорижий давлатларнинг мудофаа идоралари билан ҳарбий ҳамкорлик юзасидан 20 дан ортук режалар имзоланди ва амалға оширилди. Ташкил этилган қўшма тадбирларда дунёнинг етакчи мамлакатлари қўшинларининг жанговар тайёргарлиғи, ҳарбий таълим ва қўрилиш соҳаларидаги илғор тажрибаларини ўрганишға эътибор қаратилди.

Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги ҳамкорликнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини кенгайтириш мақсадида Утган йилли идораларо ва ҳукуматларо характердаги саккизта ҳужжат ишлаб чиқилди ва имзоланди.

Ўзбекистон поштахатда биринчи марта Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакат мудофаа вазирларининг кенгаши ўтказилди. Унда Ҳиндистон, Қозғистон, Хитой, Қирғизистон, Покистон, Россия, Ўзбекистон, Тожикистон мудофаа вазирлари катнашди. Шунингдек, ўтган йилли Ўзбекистонда МДҲға аъзо давлатлар мудофаа вазирлари Кенгаши ҳузурдаги мувофиқлаштирувчи қўмиталарнинг қатор мажлислари ташкил этилди.

Қўшинларнинг жанговар тайёргарлиғи соҳасидаги ҳамкорлик ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Утган йил давомида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиғи бўлинмаларининг хориждаги бешта халқро қўшма ўқувдаги иштироки ташкиллаштирилди. Мамлакатимиз ҳудудида олтига қўшма халқро тренинг ўтказилди. Бундан ташқари, Мудофаа вазирлиғи ҳарбий хизматчилари АҚШдаги "Энг илғор жангчи", Покистондаги "Жамоавий руҳ", Туркиядаги "Энг яхши снайпер" ва Буюк Британиядаги "Кембрия патрули" халқро мусобақаларида мўносиб катнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритди.

Шунингдек, Мудофаа вазирлигининг жамоаларини "АрМИ — 2022" Халқро армия ўйинларининг 21 та мусобақасида иштирок этган буюқ, уларнинг бештаси Ўзбекистон ҳудудида ўтказилди. Ушбу армия ўйинлари якунида ҳарбий хизматчиларимиз умумжамоа ҳисобида 34 та мамлакатнинг 270 жамоаси орасида 7 та олтин, 10 та қумуш ва 5 та бронза медалини қўлга киритиб, иккинчи ўринни эгаллади. 2021 йилдан бошлаб Тожикистон ва Қир-

ғизистон ҳарбий хизматчиларининг Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг олиий ҳарбий таълим муассасаларида ўқиши йўлга қўйилди. Ҳарбий қўрилиш, аҳборот технологиялари ҳамда хорижий тилларни ўрганиш каби долзарб масалалар бўйича машгулотлар ўқатиш учун академияға узоқ муддатли асосда АҚШ, ХХР, Ҳиндистон, Туркия ва Франция мудофаа идораларининг мутахассислари жалб этилди. Бундан ташқари, Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий клиник госпиталида юқори технологияли операцияларни ўтказиш, мастер-класслар ва тажриба алмашиш мақсадида АҚШ, Туркия, Ҳиндистон, ГФР, Франция ва Жанубий Корея ҳарбий-тиббий мутахассисларининг фаолияти йўлга қўйилди.

## — Ҳар қандай давлатнинг армиясига юқори малакали мутахассислар зарур. Мамлакатимизда ҳарбий қадрларни тайёрлашда қайси мезонлар асос қилиб олинган?

— Замонавий шароитларда Куролли Кучларни ислоҳ қилиш вазифаси ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизими олдиға янгидан-янги талабларни қўймоқда. Офицерларни тайёрлашда профессионал ҳарбийларға ус-тувор эътибор қаратилмоқда. Булар — лаёқатлилик, масъулиятлилик ва ўз ишиға садоқатлилик.

